



Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2014 йил "4" сентябр даги 7 -сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

#### Тузувчилар:

Х.Э.Юнусова – “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири, т.ф.д. проф. в.б.  
З.Р.Ишанходжаева – “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси, т.ф.д. проф. в.б.  
О.П.Кобзева – “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси, т.ф.д. проф. в.б.  
Р.Б.Сиддиқов – “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси, т.ф.н. доц.  
А.Б.Холиқулов – “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси, т.ф.н. доц. в.б.  
К.А.Тўхтабеков – “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси, т.ф.н. доц. в.б.  
А.А.Ерметов – “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси, т.ф.н. доц.  
А.М.Хидиров – “Ўзбекистон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси.  
Ф.А.Акрамова – “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси.

#### Такризчилар:

Р.Холиқова - Абу Райхон Беруний номидаги ТДПУ проф. в.б. т.ф.д.

Н.Полвонов - ЎзМУ тарих факультети “Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти, т.ф.н.

Фаннинг ўқув дастури Ўзбекистон Миллий университети Илмий-методик кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2014 йил 26 ок даги “6” – сонли баённома).

## Кириш

Мустақиллик Ўзбекистон тарихининг янги даврини бошлаб берди. Ватанамиз суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан жой эгаллади. Мустақил тараққиётнинг 23 йиллиги мобайнида ватанамизда амалга оширилган ишлар кўлами асрларга татигулик бўлди. Давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва маънавий соҳаларида катта ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, таълим соҳасида қўлга киритилган ютуқларни алоҳида таъкидлаш лозим. Баркамол авлодни шакллантиришга йўналтирилган Миллий дастур ўз мевасини бермоқда. Бугун дунёда кечаётган мафкуравий қарама-қаршиликлар таъсиридан ёшларни ҳимоялаш учун уларда тарихий тафаккурни шакллантириш зарур.

Ушбу дастур «Ўзбекистон тарихи» фанини халқимизнинг энг қадимги замонлардан то ҳозирги кунларгача босиб ўтган узоқ ва мураккаб тарихий йўлини, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётини холисона ўрганиш, мамлакатимизнинг демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари, жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама интеграциясини чуқурлаштириш, хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётини илмий ва амалий аҳамиятини ҳамда фаннинг ривожланиш қонуниятлари ва тамойиллари, фаннинг таркиби ва тузилиши, уни ташкил қилиш ва бошқариш, фаннинг таснифи каби масалалар аҳамияти очиб берилади. Ҳамда, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатиб ўтилган талаба-ёшларнинг тарихий дунёқарашини бойитиш, уларда мустақил фикрни қарор топтириш, тарихни мукамал даражада билиш, инсоният цивилизациясининг ютуқларидан ва тажрибасидан тўла баҳраманд бўлиш, умуминсоний қадриятларни англаб етишга кўмаклашиш ва дунё миқёсида мавжуд бўлган муаммоларнинг тарихий илдизларини излаб топиш каби долзарб масалаларни ўрганади.

Шунингдек, «Ўзбекистон тарихи» фани ҳақидаги билимларни қарор топшириш мавжуд илмий адабиётлар ва замонавий назариялар ҳамда олиб борилаётган тадқиқот ишларини ўрганиш, фан бўйича тўпланган илғор тажрибалар, кадрлар буюртмачиларининг фикр, талаб ва таклифлари каби масалаларни ўз ичига қамраб олади.

### Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - тарихнинг давлат ва жамият тараққиёти натижаси эканлиги, жамият ривожланишида давлатчиликнинг муҳим воқеа ҳисобланиши, тарихнинг кейинги тараққиёти босқичида фуқаролик жамиятнинг пайдо бўлиши билан фан, техника, маданият, ахборотлар ўзлаштира бориш, уларни жамиятга боғлиқ бўлган ходисаларни кўрсатишдир

Фаннинг вазифаси - жамият ва давлатчилик тараққиётидаги уйғунлик фарқларини ажратиш, тарих фанидаги янги назарияларни таҳлил этиш, тарихнинг ҳаракатлантирувчи омилларини талабаларга кўрсатиб бериш, тарих фанининг асосий йўналишларини таҳлил ва тадқиқ қилиш малакасини ҳосил қилиш, давлат ва жамият тараққиётнинг ривожланиш омилларини таҳлил қилишда тарих фанининг ўрнини тушунтиришдан иборат.

### Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

«Ўзбекистон тарихи» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

– Ўзбекистон тарихининг асосий босқичлари; Ўзбекистон тарихининг маълум бир тарихий ходисалари; жаҳон тарихида Ўзбекистоннинг туганган ўрни;

– замонавий жараёнларда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграцияси; тарихийлик ва холислик нуктаи назаридан Ўзбекистон тарихи муаммоларнинг ишлаб чиқилиши жараёнларини *билиши* керак;

–Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларини ўрганиш ва методологиясини ишлаб чиқишда миллий ғоянинг аҳамияти; Ўзбекистон тарихининг турли даврларидаги тарихий жараёнларнинг ўзига хослиги ҳақида; Ўрта Осиё Ренессанси; Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида ривожланиши; тарих фани ижтимоий тафаккур маҳсули эканлиги, ижтимоий фанлар ривожига тарих фанининг муҳим воқеалар билан боғлиқлигини билиш **қўникмаларига эга бўлиши** керак.

–Ватан тарихини билиш; маънавий-миллий ва умуминсоний масалалар бўйича ўз қарашларини илмий асослашни ва ифодалашни билиши, миллий мустақиллик ғояларига амал қиладиган фаол ҳаётий дунёқарашга эга бўлиши; бакалаврият йўналишига мутаносиб равишда рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши; янги билимларни мустақил эгаллай олиши, ўз фаолиятини илмий асосда ташкил этиши ва ўзини камолотга етказиш устида ишлай билиши; таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахсларга тегишли лавозимларнинг бўш ўринларида мустақил ишлай олиш тажрибасига эга бўлиши; бакалавриятнинг тегишли йўналиши доирасида танланган ихтисослик бўйича магистратура олий таълимини давом эттириш **малакаларига эга бўлиши** керак.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан кетма-кетлиги**

Ўзбекистон тарихи фани асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, 1-6 семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган Археология, Тарихий ўлкашунослик, Ибтидоий жамоа тарихи, Антропология, Тарихий география, Жаҳон тарихи, Фалсафа фанларидан етарли билим ва қўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Илмий тадқиқот муассасаларида, лабораторияларда кичик илмий ходим ва ёрдамчи лавозимларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши; умумий ва ўрта махсус, касбий таълим (шунингдек, академик лицейлар, касб-хунар коллежларида, ўрта умумтаълим мактабларида) дарсларни олиб боришлари лозим.

Шунинг учун ўқув юртларида тарих ва фан ўқитувчиси сифатида ва услубият ишлари бўйича масъул вазибаларни бажариши; музей лектори ва экскурсоводлар сифатида лекторлик, экскурсия ишларида; вазиликларнинг ўқув илмий билимлари, тармоқ институтлари, олий таълим муассасалари, ўрта махсус касб-хунар таълимида ишлаш каби касбий фаолият турларини бажариши ва тарих фанларидан дарс бериши мумкин.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг Ўзбекистон тарихи фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан ҳамда ўқув хариталаридан фойдаланилади. Маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда уларга мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

### **Асосий қисм**

#### **Ўзбекистон тарихи тўғрисида умумий маълумотлар. Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

Ўзбекистон тарихи фанининг ижтимоий фанлар тизимида тутган муҳим ўрни. Курсни ўрганишнинг мақсад ва вазибалари, предмети. Методологик илмий-назарий асослари ҳамда усуллари, долзарб масалалари.

Тарихга янгича цивилизация ёндашув. Тарихий қадриятларни ўрганишда миллий ғоянинг роли. Ўзбекистон тарихи фанини ривожлантиришда Президент И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарининг аҳамияти.

Тарихий манбалар ва уларнинг турлари. Тарихшунослик. Оғзаки, ёзма манбалар, маҳаллий ва бошқа манбалар.

### **Ибтидоий тарихни даврлаштириш. Ўрта Осиё ибтидоий даври тарихи ва босқичлари**

Тарихий даврлар ва босқичлар. Ибтидоий тўда ва уруғ жамоаси. Ибтидоий жамиятнинг матриархат ва патриархат босқичлари. Археологик даврлар ва босқичлар.

Ибтидоий жамоа бошқаруви босқичлари. Ҳарбий демократия. Ўрта Осиёда антропогенез жараёни.

### **Ибтидоий жамоа даврининг табиий шарт-шароитлари ва одамларнинг тарқалиши**

Ўрта Осиёга ибтидоий одамларнинг тарқалиши даврида табиий шарт-шароитлар. Илк тош асри одамлари ва уларнинг Ўрта Осиёга тарқалиши масаласи. Энг қадимги одамлар яшаган манзилгоҳлар. Илк тош асри одамларнинг қуроллари, тирикчилиги ва ҳаёт манбаи. Термачилик ва овчилик - илк тош асрида шаклланган ўзлаштирувчи хўжалик. Тош қуроллар ясашдаги ўзгаришлар. Табиий оловдан фойдаланиш. Ижтимоий муносабатлар ва биологик ўзгаришлар.

### **Ўрта Осиёнинг қадимги мустье даври одамлари ва уларнинг меҳнат фаолияти**

Қадимги одамлар вужудга келишидаги табиий ва тарихий шарт-шароитлар. Уларнинг Ўрта Осиё бўйлаб тарқалиши. Қадимги одамлар манзилгоҳлари. Мустье даври одамлари ясаган тош қуроллар. Уларнинг машғулоти. Оловнинг кашф қилиниши ва ундан фойдаланиш. Қадимги одамларнинг бошпана, турар жой ва кийим бошлари. Атроф-муҳит ҳақида дастлабки тасаввурларнинг шаклланиши. Ижтимоий муносабатлари. Ибтидоий тўда ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

### **Ўрта Осиё ҳозирги қиёфадаги одамларнинг шаклланиши ва антропогенез жараёни тугалланиши даврида**

Ҳозирги қиёфадаги одамлар шаклланишининг ижтимоий зарурати. Сўнгги палеолит даври манзилгоҳлари. Сўнгги палеолит давридаги ижтимоий муносабатлар. Ўрта Осиёда антропогенез жараёнининг тугалланиши. Тил ва муомала, диний ва ғоявий масалалар.

Ўрта Осиёда уруғ жамоаларининг вужудга келиши. Ибтидоий тўдадан уруғ жамоасига ўтишнинг шарт-шароитлари ва хусусиятлари. Матриархат уруғ жамоасида онанинг ўрни.

### **Мезолит ва неолит даврида Ўрта Осиё**

Табиий иқлим ўзгариши ва географик шароит. Мезолит даврининг ўзига хос хусусиятлари. Мезолит даври маданияти. Қоятош тасвирлари (петроглиф). Дастлабки санъатнинг вужудга келиши.

«Неолит инқилоби» тушунчаси. Тарихий-маданий вилоятларнинг вужудга келиши. Ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг шаклланиши. Ўрта Осиёда деҳқончилик, чорвачилик ва

хунармандчилик. Овчилик ва хонаки чорвачилик. Меҳнат қуролларининг такомиллашуви. Этномаданий ижтимоий муносабатлар.

### **Энеолит, бронза ва илк темир даврида Ўрта Осиё**

Энеолит даври босқичлари ва хусусиятлари. Этномаданий жараён ва жойларни ўзлаштириш. Энеолит даври маконлари. Мис қуроллар ва унинг моддий-маънавий маданиятга таъсири. Ижтимоий муносабатлар. Хўжаликнинг ривожланиши.

Бронза даври ва бронза қуролларнинг хусусияти. Хўжалиги, турмуши ва маданияти. Ортиқча маҳсулот ва биринчи йирик меҳнат тақсимоти. Патриархатнинг пайдо бўлиши ва ишлаб чиқарувчи хўжалик. Жамоада эркакларнинг роли. Қулолчилик чархи ва ғилдиракнинг кашф қилиниши.

Сўнгги бронза ва илк темир даври ёдгорликлари. Мулкий тенгсизлик. Мудофаа деворлари. Хунармандчилик. Илк темир даврида хўжалик, турмуш ва маданият. Иккинчи ижтимоий меҳнат тақсимоти. Ҳарбий демократия. Давлатчиликнинг ғоявий асоси ва шакллари.

### **Ўрта Осиёдаги илк давлат уюшмалари**

Мавзуга оид манбалар ва унинг тарихшунослиги. Илк темир давридаги иқтисодий-сиёсий вазият. Табақавий жамиятнинг хусусиятлари. Ижтимоий муносабатлар. Хўжалик тараққиётидаги омиллар. Тарихий жамоалар. Сак ва массагетларнинг қабилавий иттифоқлари. Худудий чегаралари. Марказий шаҳарлари. Маданий ва савдо алоқалари. Шаҳарсозлик. Хунармандчилик ва савдо. Маиший турмуш. Зардўштийлик эътиқоди ва давлатчилик ғояси.

### **Қадимги Хоразм, Бактрия ва Сўғдиёна давлатлари**

Мавзунинг тарихшунослиги. Қадимги Хоразмнинг сиёсий сулолалари. Сиёвушийлар. Иқтисодий ва ишлаб чиқариш муносабатлари. Авесто. Қадимги Бактриянинг географик ўрни, табиати ва аҳолиси. Қадимги Бактриянинг ташкил топиши. Бактрия шаҳарлари. Хўжалиги. Хунармандчилик ва савдо.

Қадимги Хоразм, Бактрия ва Сўғдиёнанинг маданий савдо алоқалари. Давлатчилик ғоясининг асослари. Жамиятнинг диний-мафқуравий удумлари.

### **Ўрта Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши кураши. (мил. авв. VI-IV асрлар)**

Ахамонийлар салтанатининг ташкил топиши ва Ўрта Осиёни босиб олиши. Мавзуга доир манбалар. Кир II ва Дуро I нинг босқинлари. Тўмарис ва Широқ. Фрада кўзғолони. Шарқий сатрапликлар. Ахамонийлар даври хўжалик ҳаёти. Шаҳарлар. Хунармандчилик ва савдо. Маданий алоқалар. Танга-пулларнинг тарқалиши.

Александр Македонский ҳақидаги манбалар. Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юришлари. Бактрия, Сўғд, Уструшона босқини. Сакларнинг таъқиб этилиши. Спитамен кўзғолони. Маҳаллий ҳокимлар ва Александр Македонский ўртасидаги муносабатлар. Оксиарт. Александр Македонскийнинг босқинчилик сиёсатидаги ўзгаришлар.

### **Салавкийлар даврида Ўрта Осиё**

Александр Македонскийнинг вафоти ва салтанатнинг парчаланиши. Эллин давлатларининг ташкил топиши. Салавкийлар давлати. Ўрта Осиё халқлари Салавкийлар ҳукмронлиги даврида. Салавк I ва Антиох I даврида хўжалик ва маданий ҳаёт. Салавкийларга қарши кўзғолонлар. Шарқий вилоятларнинг мустақилликка интилиши.

Салавкийлар давлатининг кучсизланиши ва парчаланиши. Салавкийлар даврида эллин маданиятининг тарқалиши ва аралаш маданиятнинг шаклланиши.

### **Юнон-Бақтрия подшолиги ва Парфия давлати**

Юнон-Бақтрия. Худуд ва чегаралар. Юнон-Бақтрия ва Сўғдиёна муносабатлари. Юнон-Бақтрия худудининг кенгайиши ва равнақи. Эллин маданиятининг хусусиятлари. Юнон-Бақтрия ва Парфия муносабатлари. Юэчжилар хужуми ва Юнон-Бақтриянинг парчаланиши.

Аршакийлар даврида Парфиянинг кучайиши. Митридат I ва Митридат II даврида Парфиянинг сиёсий ва ижтимоий кудрати. Хўжалик ва маданий ҳаёт. Парфиянинг Рим билан муносабатлари. Парфиянинг парчаланиши.

### **Қанғ, Довон ва Хоразм давлатлари**

Қанғ давлатининг ташкил топиши ва чегаралари. Қанғ давлатининг ижтимоий тузуми, хўжалиги ва шаҳарлари. Қанғ давлатининг инқирози.

Довон (Фарғона) давлати ҳақидаги манбалар. Ахамонийлар ва юнон-македонлар таъсиридан холи ҳолда ижтимоий ҳаёт ривожини. “Самовий” отлар. Хитой билан муносабатлар.

Хоразмда ижтимоий тизимнинг шаклланиши. Жонбосқалъа, Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа ёдгорликлари. Деҳқончилик ва хунармандчилик. Маданият ва дин. Қалъа ва сарой қурилишлари.

### **Кушон давлати**

Манба ва адабиётлар. “Қатга Юэчжи” давлат уюшмаси. Гуйшуан ҳокимлиги ва Куджула Кадфиз. Кушон салтанатининг ташкил топиши ва Канишка ҳукмронлиги. Кушон, Хитой, Рим муносабатлари. “Буюк Ипак йўли” аҳамияти. Савдо муносабатлари. Хўжалик ва шаҳарлар. Кушонлар даврида маданият. Кушон (Бақтрия) ёзуви. Ёдгорликлар. Меъморчилик ва санъат. Дин. Буддавийлик ва Зардуштийлик. Ибодатхоналар.

### **Ўрта Осиёда илк ер эгаллиги муносабатларининг шаклланиши (IV- VII асрлар). Хионийлар, Кидарийлар, Эфталийлар давлатлари**

Ўрта Осиёда “деҳқонлар” табақасининг вужудга келиши. Кадиварлар, кашоварлар, чокарлар.

IV асрнинг 70-йилларида Хионийлар давлатининг ташкил топиши. Хионийлар ва Сосонийлар давлати ўртасидаги муносабатлар. Ўрта Осиёга тохар, кидарийларнинг (V асрнинг 20-йилларида) кириб келиши ва ўз ҳукмронлигини ўрнатилиши.

V асрнинг ўрталарида Эфталийларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши. V асрнинг иккинчи ярми ва VI асрнинг бошларида Эфталийлар давлатининг ташкил топиши. Худуди. Эрон Сосонийлари устидан ғалабаси. Эфталийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.

### **Турк хоқонлиги**

Турк хоқонлигининг ташкил топиши. Турк хоқонлигининг Эрон ва Византия билан муносабатлари. VI асрнинг 70-80 йилларида Буюк Турон Хоқонлигининг ташкил топиши. Турк хоқонлигининг бошқарув тартиби. Шарқий турк давлати ва ғарбий Турк хоқонлиги. Ғарбий хоқонликнинг кучайиши. Ижтимоий ҳаёт. Ғарбий Турк хоқонлиги ва Хитой ўртасида иқтисодий-савдо алоқалари.

VI-VII асрларда ижтимоий жараёнлар. Бухородаги Абруй бошчилигидаги қўзғолон.

## **VI-VII асрларда Сўғд, Фарғона ва Хоразм**

Самарқанд ихшидларининг сиёсий нуфузи. Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб мулклари. Сўғднинг хўжалиги ва ижтимоий ҳаёти. Сўғд ихшидларининг аجدодлари ибодатхонаси. Маъмурий бирликлар. Кеш ва Нахшаб.

Фарғона, Хоразм ва Чочнинг мустақил ҳокимликлари. Фарғона афшинлари. Хоразмнинг африғий подшолари. Хоразмнинг Шарқий Европа билан савдо алоқалари. Чоч тудунлари ва Илоқ деҳқонлари. Чоч ва Элоқнинг хўжалиги ва маданий ҳаёти. Қазилма бойликлари. Савдо алоқалари.

## **Араб халифалиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон**

Илмий манбалар ва тарихшунослик. VI-VII аср бошларида Арабистон ярим ороли ва араб қабилалари. Муҳаммад(с.а.в.). Чаҳорёрлар. Ўрта Осиёнинг араблар томонидан забт этилиши. Мовароуннаҳр ва Хуросон араб халифалиги ҳукмронлиги остида. Араб халифалиги истилосининг оқибатлари. Исломи дини ва унинг Ўрта Осиёга тарқатилиши. Маънавий маданиятдаги ўзгаришлар. Араб халифалигининг мустамлакачилик, солиқ ва диний сиёсати. Халифалик зулмига қарши халқ Кўзғолонлари ва уларнинг оқибатлари.

## **Мовароуннаҳр ва Хуросонда мустақил давлатларнинг ташкил топиши. Тоҳирийлар ва Саффорийлар давлати**

Манбалар. Мустақил давлатларнинг вужудга келишидаги тарихий шарт-шароитлар. IX асрнинг биринчи чорагида халифаликдаги ижтимоий сиёсий аҳвол. Тоҳир ибн Ҳусайн ва тоҳирийлар давлати. Тоҳирийлар даврида ижтимоий ҳаёт. Тоҳирийлар давлатининг мағлубиятга учраши. Саффорийлар давлатининг ташкил топиши. Ёқуб ибн Лайс. Амр ибн Лайс. Саффорийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.

## **Сомонийлар давлати**

Манбалар. Сомонхудоғлар. Асад ва унинг ўғиллари. IX асрнинг биринчи ярмида турли ўғуз қабилалари. Наср ибн Аҳмад (865-892) даврида Сомонийлар ҳокимиятининг Абосийлар хонлиги томонидан расман тан олинishi. Исмоил Сомоний ва унинг ислохатлари. Марказлашган давлат бошқарувининг ташкил топиши. Ҳарбий ислохат. Сомонийлар даврида Мовароуннаҳрда ижтимоий, иқтисодий ҳаёт. Сомонийлар ҳукмронлигининг тугатилиши.

## **Қорахонийлар давлати**

Мавзунинг тарихшунослиги. Қорахонийлар сулоласининг келиб чиқиши тўғридаги янги қарашлар. VIII аср бошларида Еттисув Шарқий Туркистон ва Қашқарда яшовчи туркий қабилалар (чиғил, ямо, ўғиз ва бошқалар). Қорахонийлар сулоласининг ҳокимиятга келиши. Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрда ҳужумлари. Мовароуннаҳрда қорахонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши. Шарқий ва Ғарбий қорахонийлар. Қорахонийларнинг ҳужумлари (1137,1141). Қорахонийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.

## **Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давлатлари**

Манбалар. Ғазнавийлар давлатининг ташкил топиши. Алп Тегин. Сабуқ тегин. Маҳмуд Ғазнавий (998-1030) ва унинг сомонийлар ҳамда қорахонийлар билан муносабати. Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳарбий юришлари. X-XI асрларда Жанубий ва Шимолий Хоразм.



Данданакон жанги ва ғазнавийларнинг мағлубияти. Ғазнавийларнинг давлат бошқаруви тизими.

Сирдарё этакларида Ўғуз давлатининг ташкил топиши. Салжукийларнинг Масъудга қарши олиб борган кураши. Султон Санжар даврида (1118-1157) салжукийлар давлатининг гуллаб яшнаши. Қорахитойларнинг ҳужуми; Қатвон чўлидаги жанг (1141) ва салжукийларнинг мағлубияти. Ғазнавийлар ва Салжўкийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.

### **Хоразмшоҳлар давлати**

Ануштегинлар ҳокимиятининг вужудга келиши. Қутбиддин Муҳаммад (1097-1127). Алоуддин Муҳаммад Отсиз (1127-1156) Хоразмшоҳ эл-Арслон (1156-1172). Алоуддин Такеш ва унинг Хоразм давлати юксалишдаги туганган ўрни. Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1220). Хоразмшоҳлар давлатининг гуллаб яшнаши. Қорахитойлар билан кураш. Хоразмнинг Мовароуннаҳрдаги таъсир доирасининг кучайиши.

Бухорода Малик Санжар бошчилигидаги Қўзғолон (1206-1207). 1212 йилги Самарқанд Қўзғолони. Хоразмшоҳлар давлатининг инқирози.

### **IX-XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданий ҳаёт. Уйғониш (Ренессанс) даври ривож**

Моддий ва маънавий маданиятнинг юксалишини таъминлаган шарт-шароитлар. XI-XII асрларда фан ва маданиятнинг юксак чўққига кўтарилди. Буюк Ипак йўлининг фан ва маданият равнақидаги туганган ўрни. Хоразмдаги Маъмун академияси ва унинг фан ривождаги аҳамияти. Риёзиёт, фалакиёт, кимё, тиббиёт, жуғрофия ва ижтимоий фанларнинг ривож. Буюк қомусий алломалар. Фанларни таснифлаш. Тарихий фанларнинг ривож. Адабиётнинг ривожланиши. Калом илми ва грамматика. Ҳадис ва фикҳ илми тараққиёти. Тасаввуф ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни. Суфийлик тариқатининг шаклланиши.

### **Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олинди**

XII-XIII асрнинг бошларида Мўғулистондаги қабилалар ва бирлашган мўғул давлатининг ташкил топиши (1206). Давлатнинг ички тузилиши. Чингизхоннинг ҳарбий ислоҳати ва босқинчилик юришлари. Чингизхоннинг Мовароуннаҳрга ҳужуми. Бухоро ва Термизнинг босиб олинди (1220). Самарқанд жанги (1220) ва Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг Табаристонга қочиши. Сиғноқ, Ўзган, Жанднинг олинди (1220). Хўжанд мудофааси ва Темур Маликнинг жасоратлари. Гурганж мудофааси (Нажмиддин Кубро). Жалолиддин Мангуберди. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг мўғуллар томонидан босиб олинди. Хоразмшоҳлар давлати мағлубиятининг сабаблари.

### **Мовароуннаҳр Чиғатой улуси таркибида**

Мўғуллар истилосининг оқибатлари. Чингизхон томонидан босиб олинган худудларнинг ўз ўғилларига бўлиб бериши. Чиғатой улусида ижтимоий ҳаёт. Маҳмуд Таробий кўзғолони (1238). Мункаҳон (1251-1259) даврида Чиғатой улусининг тугатилиши. XIII асрнинг 60-йилларида Олғўхон томонидан Чиғатой улусининг қайта тикланиши. Масъудбекнинг ўтказган пул ислоҳати (1271). Кепакхоннинг маъмурий ва пул ислоҳатлари. Чиғатой сулоласи ҳукмронлигига барҳам берилди. XIV-XV асрнинг биринчи ярмида маданий ҳаёт. Меъморчилик. Халқ оғзаки ижодиёти. Адабиёт ва санъат.

### **Амир Темур ва теурийлар давлати**

XIV асрнинг 40-йилларида Чигатой улусидаги сиёсий аҳвол. Амир Темур ва Суюрғатмишхонларнинг Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилиниши. Марказлашган Темур салтанатининг ташкил топиши.

Амир Темурнинг Мўғулистон, Ҳирот, Эрон, Сейстон, Астрабод ва Озарбайжон устига қилган юришлари. Темурнинг Озарбайжон ва Форсга қилган уч йиллик (1386-1388) юриши. Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши юришлари (1389,1391,1395) ва мўғуллар устидан эришган ғалабасининг халқаро аҳамияти. Темурнинг Эронга қилган беш йиллик (1392-1396) ва Ҳиндистонга қилган етти йиллик юришлари (1399-1405). Султон Йилдирим Боязиднинг Анқара остонасидаги мағлубияти (1402). Амир Темурнинг Хитойга юриш бошлаши (1404 й. ноябр) ва Ўтрорда вафот этиши (1405 й. феврал). Амир Темур зукко, тажрибали ва сиёсатдон, буюк давлат арбоби. Амир Темурнинг жаҳон тарихида туганган ўрни. Амир Темур салтанатининг маъмурий ва ҳарбий тузилиши. Амир Темур ва бугунги кун.

Амир Темур вафотидан сўнг, темурийлар ўртасидаги тахт учун кураш ва Темур салтанатининг парчаланиши. Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда сиёсий ҳаёт.

### **Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт**

Қишлоқ хўжалигининг аҳволи. Аграр муносабатлар. Амир Темурнинг деҳқончиликни тиклаш ва ривожлантиришдаги ишлари. Суғориш иншоотларининг қурилиши. Янги боғларнинг барпо этилиши. Ерга эғалик қилиш шакллари. Суюрғол ерлари. Тархон ёрлиғи ва унинг имтиёзлари. Чорвачилик. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши. Қоғоз ҳамда бўёқ ишлаб чиқариш. Тўқимачилик ва тўқувчилик. Кулолчилик. Заргарлик. Кончилик ишлари. Ички ва ташқи савдо. Бозорларнинг маданий марказлар сифатидаги аҳамияти. Халқаро савдо йўллари.

### **Амир Темур ва темурийлар даврида маданий ҳаёт**

Амир Темур ва темурийларнинг маданият ривожланишига қўшган ҳиссалари. Ислом дини доирасидаги мафкуравий эркинликлар. Илм-фан равнақи. Улуғбек ва унинг илмий мактаби ютуқлари. Тарих фанининг тараққиёти. Адабиётнинг ривожланиши. Ўзбек мумтоз адабиётида Алишер Навоийнинг (1441-1501) туганган ўрни. З.М.Бобурнинг (1483-1530) ижоди ва фаолияти. Тасаввуфда Накшбандия тариқати ва унинг давомчилари. Мусулмон фикршунослиғи. Фалсафа ва мантиқ. Калом илми. Хаттотлик санъати. Минатюра ва тасвирий санъат. Тиббиёт фанининг равнақи.

Меъморчилик ва қурилиш. Амир Темурнинг шаҳарсозлик борасидаги сиёсати.

### **Ўзбек хонликлари (XVI-XIX аср биринчи ярми) Шайбонийлар даврида Мовароуннаҳр. Бухоро хонлигининг ташкил топиши**

Темурийлар давлатининг инкирози сабаблари. Бобур ва Шайбонийлар ўртасидаги кураш. Шайбонийхон томонидан Мовароуннаҳр ва Хуросонни босиб олиниши. Темурийлар – Шайбонийлар – Сафавийлар ўртасидаги кураш. Убайдуллахон ва Шайбонийлар давлатининг тикланиши.

XVI асрнинг 40-50 йилларида Шайбонийлар ўртасида ўзаро курашлар. Абдуллахон II нинг ҳокимиятга келиши. Шайбонийларни ва Мовароуннаҳрни бирлаштирилиши. Бухоро шаҳрининг пойтахт сифатида юксалиши. Абдуллахон II нинг ички ва ташқи сиёсати. Шайбонийлар сулоласининг инкирози.

Маданият. Таълим, илм-фан, адабиёт ва тарихнавислик. Меъморчилик ва халқ амалий санъати.

### **Аштархонийлар даврида Бухоро хонлиги**

Аштархонийлар сулоласи ва уларнинг Бухорога келиши сабаблари. Шайбонийлар инқироzi ва Аштархонийлар сулоласининг ҳокимиятга келиши. Имомқулихон даврида ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши. Абдулазизхон ва Субхонқулихон даврида ички низолар ва Хива хонлигининг Бухорога ҳужумлари. Субхонқулихон даврида Хиванинг бўйсундирилиши. Эрон – Бухоро – Ҳиндистон муносабатлари. Балх шаҳрининг марказ сифатидаги мавқеининг кучайиши. Убайдуллахон II нинг ички сиёсати. Унинг пул ислоҳати. Ислоҳатга қарши ғалаёнлар. Абулфайзхон даврида марказий ҳокимиятнинг заифлашуви. Самарқандда Ражабхон исёни. Ҳақимбий Манғит Оталиқнинг кучайиши. Эрон шоҳи Нодиршоҳ босқини. Муҳаммад Ҳақимбий ва унинг ўғли Раҳимбий Манғитнинг ҳокимиятга келиши. Аштархонийлар инқироzi.

### **XVI-XVIII аср биринчи ярмида Бухор хонлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар**

Бухор хонлиги ҳудуди. Аҳолининг этник таркиби. Қишлоқ хўжалиги Сув иншоотлари ва суғориш тизми. Бухоро хонлигида ер эгаллиги. Дехқонлар ва чорводор аҳолининг аҳволи. Хонликда тоғ кон ишлари. Йирик марказий шаҳарлар Бухоро, Самарқанд ва Тошкентнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётда тутган ўрни. Жўйбор хожаларининг мавқеи. Хунармандчилик ички ва ташқи савдо. Бухоро хонлигида пул муносабатлари ва ислоҳатлари. Давлатнинг солиқ сиёсати.

### **Бухоро амирлиги (XVIII аср иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярми)**

Муҳаммад Раҳимхон Манғитнинг ҳокимиятга келиши. Марказий давлат ҳокимиятини мустаҳкамланиши ва вилоятларнинг бўйсундирилиши. Дониёлбий даврида ички низолар. Ўзбек уруғлари амирларининг исёни ва Қўзғолонларнинг кучайиши. Шоҳмуроднинг ҳокимиятга келиши. Марказий ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши. Молия, суд, маъмурий ва ҳарбий ислоҳатлар. Қарши шаҳри нуфузи ортиши.

Амир Ҳайдар даврида сиёсий кескинлик ва қўзғолонлар. Хива хонлигининг Бухорога ҳужумлари. Бухоронинг чегара ҳудудлар учун Қўқон хонлиги билан урушлари. Амир Насрулло даврида ҳарбий ислоҳотлар ва давлат ҳокимиятининг мустаҳкамланиши. Бухоронинг ҳудудий яхлитлиги тикланиши. Қўқон хонлигининг босиб олиниши. Бухоро – Хива муносабатлари. Шаҳрисабз – Китоб бекликлари.

Амирликнинг маъмурий тузилиши. Ижтимоий табақалар. Ҳарбий ва суд ишлари. Хунармандчилик, ички ва ташқи савдо. Маданият ва дин. Таълим, илм-фан, адабиёт ва тарихнавислик.

### **Хива хонлиги (XVI – XIX асрнинг биринчи ярми)**

Темурийлар инқироzi ва Хива хонлигининг ташкил топиши. Шайбонийлар даврида (1512-1770) Хива – Бухоро – Эрон муносабатлари. Кўҳна Урганч, Янги Урганч ва Хива Хоразм пойтахтлари сифатида.

Абулғозихон ва Анушахон даврида Бухоро – Хива ўртасидаги урушлар. Шоҳиниёзхон ва Шерғозихон даврида Хива – Россия муносабатлари. Элбарсхон даврида Эрон шоҳи Нодиршоҳ ҳужуми. Хивада сиёсий парокандалик.

Қўнғирот иноқларининг ҳокимиятга келиши (1770-1920). Муҳаммад Раҳимхон I даврида Хива хонлигининг бирлаштирилиши. Ислоҳатлар. Кенгаш (Девон) таъсис этилиши. Қорақалпоқларнинг Хивага бўйсундирилиши. Қорақалпоқлар Қўзғолони. Хива хонлигининг ташқи алоқалари. Хива-Россия муносабатлари.

Хива хонлигининг маъмурий тузилиши. Сарой унвонлари: ҳарбий-маъмурий ва диний амалдорлар. Хонликнинг маъмурий тузилиши ва ижтимоий тизими. Ҳарбий, суд ва солиқ тизими. Иқтисодий ва маданий ҳаёт. Адабиёт, санъат ва дин.

### **Қўқон хонлиги (XVIII аср иккинчи ярми –XIX асрнинг биринчи ярми)**

Аштархонийлар Убайдуллахон даврида Фарғонада мустақил давлатнинг тузилиши. Минглар сулоласининг ҳокимиятга келиши. Шохруҳбий ва унинг ворислари даврида Қўқон хонлиги ҳудуди кенгайиши. Нордонобий ва Норбўтабек даврида марказий ҳокимиятнинг мустақамланиши. Олимхон даврида Қўқоннинг сиёсий мавқеи кучайиши. Тошкент беклигининг бўйсундирилиши. Россия билан савдо муносабатларининг ўрнатилиши.

Умархон даврида маданий (адабий) ҳаётнинг юксалиши. Муҳаммад Алихон даврида Қоратегин, Кулоб, Дарвознинг босиб олиниши. Қўқон –Хитой муносабатлари. Бухоро амири Насруллохоннинг Қўқонни босиб олиши.

Худоёрхон даврида қипчоқларнинг кучайиши ва Мусулмонқул фаолияти. Қипчоқлар қирғини. Россиянинг Қўқон хонлигига қарши ҳужумлари. Қўқон хонлигининг давлат бошқарув тизими ва маъмурий тузилиши. Ижтимоий табақалар. Ҳарбий-маъмурий амалдорлар. Иқтисодий ҳаёт: ер-сув муносабатлари, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, иччки ва ташқи савдо. Солиқлар ва суд тизими.

Маданий ҳаёт: таълим, илм-фан, адабиёт, тарихнавислик, меъморчилик ва амалий санъат.

### **XVI-XIX аср биринчи ярмида Қорақалпоқлар.**

XVI-XIX аср биринчи ярмида Қорақалпоқлар.Қорақалпоқ уруғларининг жойлашуви. Қорақалпоқлар Хива хонлиги таркибида. Қорақалпоқларнинг хўжалик ҳаёти. XIX асрнинг 20-40 йилларида қопақалпоқлар ва уларнинг руслар билан муносабати. Қорақалпоқларнинг ўз мустақиллиги учун кураши. Савдо ва хунармандчилик. Чорвочилик ва деҳқончиликнинг кучайиши. Қорақалпоқлар ижтимоий турмуш тарзи, маданият ва таълим.

### **Ўрта Осиё хонликларини Россия империяси томонидан босиб олиниши ва мустамлакачиларга қарши халқ ҳаракатлари**

Россия империясининг Ўрта Осиё хонликларга қарши экспанцияси сабаблари. Рус қўшинларининг Қўқон хонлиги ҳудудларидаги дастлабки ҳарбий ҳаракатлари. Россия империяси қўшинлари томонидан Оқмачит, Пишпек ва Тўқмоқ, Сузоқ қалъаларининг эгалланиши. Рус қўшинларининг Авлиёота, Туркистон ва Чимкент шаҳарларини босиб олиши. Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида Туркистон вилоятининг ташкил этилиши.

Рус қўшинларининг Тошкентга юриши шаҳарнинг эгалланиши. Генерал М.Г.Черняев томонидан «Тошкентни Россия тассаруфига ўтиши тўғрисидаги» сулҳ шартномаси моҳияти (1865 йил 1 июль).

Россия империяси ва Бухоро қўшинлари ўртасидаги дастлабки ҳарбий тўқнашув. М.Г.Черняевнинг Жиззах остоналаридаги мағлубияти.

Самарқанд ва Каттақўрғоннинг истило қилиниши. Зарбулоқда Бухоро қўшинларининг мағлубияти Россия-Бухоро сулҳ шартномалари ва амирликни Россия протекторатига айланиши.

1873 йил Хива хонлигига қарши юриш. Гандимиён шартномаси ва Хива хонлигининг. Россия протекторатига айланиши.

Ўрта Осиё масаласида инглиз-рус рақобати ва унинг кескинлашуви сабаблари .

### **Россия империясининг Туркистондаги мустамлака**

## **маъмурий бошқарув тизими**

Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши. Туркистон генерал-губернаторлиги Россия империясининг Туркистондаги мустамлака сиёсати таянчи. Генерал-губернаторлик функциялари. Россия империясининг Туркистондаги мустамлака маъмурий-бошқарув сиёсатининг моҳияти. Туркистон ўлкасини бошқариш ҳусусида 1865-1917 йиллар қабул қилинган Низом ва уларнинг мустамлакачилик тизимини мустаҳкамлашдаги аҳамияти.

### **1873-1876 йиллардаги Қўқон хонлигидаги халқ ҳаракатлари**

XIX асрнинг 70-йилларида Қўқон хонлиги. Хонлик ҳудудидаги солиқ тизими. Қўқон хонлиги аҳолисининг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқсизлигига қарши норозликнинг кучайиб бориши.

Худоёрхон сиёсатига қарши қуролли қўзғолоннинг бошланиши. Мулла Исҳоқ Мулла Хасан ўғлининг Пўлатхон номи билан қўзғолонга раҳбарлик қилиши. Қўзғолон бошқичлари. Хиёнат, Қўзғолон мағлубияти. Қўқон хонлигининг тугатилиши. Туркистон генерал-губернаторлигининг таркибида Фарғона вилоятининг ташкил этилиши.

### **XIX асрнинг 80-90 йилларида Туркистон ўлкасида халқ ҳаракатлари**

Туркистон ўлкасида мустамлака шароитида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт. Туркистон ўлкаси хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулот бозорига айлантирилиши. XIX аср охирида ўлка халқлари турмуш тарзининг янада пасайиб бориши. Миллий мустамлака зулмининг кучайиши ва унинг натижасида халқ оммасининг норозилик кайфияти ва норозилик ҳаракатининг кучайиши.

1892 йилги Тошкент «Вабо исёни». Қўзғолон келиб чиқишининг сабаблари. Мустамлака маъмурияти томонидан қўзғолоннинг аёвсиз бостирилиши. Қўзғолон иштирокчилари устидан ўтказилган суд жараёни. Халқ ҳаракатларининг тарихий аҳамияти.

1898 йил Андижон қўзғолони. Муҳаммад Али Дукчи Эшон мустамлака тузумга қарши курашда халқ йўлбошчиси. Унинг сиёсий фаолияти. Қўзғолонни қамраб олган ҳудудлар. Фарғона водийси қўзғолоннинг асосий маркази эканлиги. Қўзғолоннинг умумий ғояси. Қўзғолоннинг тарихий аҳамияти. Қўзғолон иштирокчилари устидан олиб борилган суд-тергов жараёни.

### **Мустамлакачилик шароитида Туркистон ўлкасида маданий ҳаёт**

Россия империясининг Туркистондаги руслаштириш сиёсати. Туркистон генерал-губернаторлигининг маориф соҳасидаги сиёсати. Рус-тузем мактабларини ташкил этиш бўйича Н.О.Розенбах томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа. Мустамлакачилик шароитида Туркистон ўлкасида илм-фан. Ўлкани илмий асосда ўрганилиши. Туркистон ўлкасида миллий маданият мусиқа, тасвирий санъат. Меъморчиликда Европа ва Шарқ маданияти уйғунлиги ижобий натижалари. Матбуотнинг вужудга келиши. Мустамлакачилик шароитида миллий адабиёт, ижтимоий-фалсафий қарашлар: Аҳмад Дониш, Муқумий, Завқий, Аваз Ўтар ва бошқалар ижоди.

### **XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт**

Бухоро ва Хива хонликларининг маъмурий-худудий тузилиши. Аҳолининг этник таркиби ва сони. Бухоро амирлигида ва Хива хонлигидаги ижтимоий - сиёсий аҳвол. Қишлоқ хўжалиги. Бухоро ва Хива хонлиги худудида темир йиллар қурилиши. Бухоро амирлигида ва Хива хонлигида халқ норозилик ҳаракатларининг ўсиб бориши ва кўзғолонга айланиши. Балжувон беклигидаги Восе бошчилигидаги деҳқонлар ҳаракати. Кўҳна Урганч, Питнак, Янги Урганч, Бийбозор, Чимбой, Хўжайли, Иланли, Тошховуздаги халқ чиқишлари. Деҳқонлар ҳаракатини бостиришда мустамлака ҳукмрон доираларининг кўрсатган ёрдами. Кўзғолонларнинг шафқатсизлик билан бостирилиши. Бухоро амирлигидаги ва Хива хонлигидаги деҳқонлар ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари. 1910 йил Бухородаги сиёсий воқеалар ва унинг сабаблари. Бухоро ва Хивада маърифатпарварлик, янги фикр ва дунёқарашнинг ривожланиши «Ёш Бухороликлар» ва «Ёш хиваликлар» ҳаракати. 1916 йил миллий озодлик курашининг Бухоро ва Хивага таъсири.

### **Туркистон XX аср бошларида (1900-1917 йиллар). XX аср бошларида Россия империясининг Туркистондаги ижтимоий -иқтисодий сиёсати**

XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий ҳаёт. Темир йўллар қурилиши (Қизилравот-Ашхобод-Самарқанд (1888), Тошкент-Оренбург (1900-1906)) ва унинг иқтисодиётга ижобий таъсири. Туркистонда саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши. Россия монополистик капиталининг ўлка иқтисодиётига кириб келиши. Туркистон иқтисодиётида Россия монополистик мавқеининг кучайиб бориши.

Ўлкада пахта майдонларининг кенгайиб бориши ва пахта ҳосилдорлигининг ошиб бориши. Аср бошларида саноат ишчиларининг шаклланиш жараёни. Еридан маҳрум бўлган деҳқонлар ёнланма ишчилар армиясининг дастлабки намоёндалари сифатида. Туркистон ўлкасидан етишиб чиққан маҳаллий фабрикантлар ва саноатчилар. Мамлакатдаги иқтисодий аҳволга ишчиларнинг муносабати. 1905-1907 йиллардаги биринчи буржуа инқилоби ва унинг Туркистон ўлкасига таъсири. Туркистонда фавкулотда вазиятнинг эълон қилиниши.

### **Туркистон ўлкасида жаидчилик ҳаракати ва сиёсий ҳаракатлар**

Жаидчилик ҳаракатининг вужудга келишидаги тарихий шарт шароитлар. Жаидчилик ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, ғоявий-мафкуравий ва истиқлолчилик ҳаракати сифатида майдонга чиқишига туртки бўлган омиллар.

Туркистон ўлкаси жаидчилик ҳаракати намоёндалари ва уларнинг миллий уйғонишда ва ўзликни англашда тутган ўрни. Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931), Абдулла Авлоний (1878-1934), Бехбудий (1875-1919) ва бошқалар фаолияти.

Жаид мактаблари - «усули савтия», яъни товуш охангига асосланган жаид мактабларининг ташкил топиши ва ривожланиши. Жаид миллий матбуоти. Жаид маданий-маърифий ташкилотлари ва жаид адабиёти. Жаидларнинг сиёсий қарашлари. Туркистон ўлкасида янги сиёсий партия ва ташкилотлар. Социал демократик ғояларнинг Туркистон ўлкасига кириб келиши.

### **Биринчи жаҳон урушининг Туркистон ўлкасига таъсири. 1916 йил миллий-озодлик ҳаракати**

Биринчи жаҳон урушини келтириб чиқарган сабаблар. Россия империясининг урушга кириши ва урушнинг мустамлака ўлкаларга таъсири. Уруш йилларида Туркистон ўлкасида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт. Мустамлака зулмининг кучайиши. Туркистон ўлкасининг Россия империяси иқтисодиётида тутган ўрни. 1914 йил 26 июль Туркистон ўлкаси «Фавкулотда муҳофаза ҳолатида» деб эълон қилиниши, миршаблик назоратининг кучайтирилиши.

1916 йил 25 июндаги подшо фармони ва унинг моҳияти. Туркистон ўлкаси маҳаллий халқларининг фармонга муносабати. 1916 йил Қўзғолонининг турли вилоятлардаги ўзига хос хусусиятлари (Хўжанд, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Жиззах ва бошқалар). Қўзғолон ҳаракатларини мустамлакачиларига қарши миллий-озодлик курашига айланиши. Жиззах миллий-озодлик ҳаракатининг ёрқин намунаси. Миллий давлатчиликни тиклаш ғоясини кун тартиби қўйилиши. Россияси империяси миллий-озодлик ҳаракатини бостириш учун қўрилган чора тадбирлар. Жаҳидлар томонидан Туркистон ўлкаси халқлари манфаатларининг Россия IV Давлат Думасида ҳимоя қилиниши.

### **XIX аср охири XX аср бошларида қорақалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти**

Россия империясининг қорақалпоқлар борасидаги сиёсати. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши. Капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши. Рус капитали мавқейининг ўсиб бориши. Савдо-сотикнинг ривожланиши.

XIX аср охири XX аср бошларида Амударёнинг чап қирғоғида яшовчи қорақалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи.

XIX аср охири XX аср бошларида қорақалпоқ халқининг маданий ҳаёти. Қорақалпоқлар маданияти ривожланишининг ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлари ва асосий босқичлари. Халқ маъорифи. Мадраса. Мактаб. Адабиёт ва санъат. Кунхожа, Ажиниёз. Бердақ, Оташ, Сарибой. Мусиқа маданияти. 1916 йил миллий озодлик кураши даврида қорақалпоқлар.

### **1917 йил февраль инқилоби ва октябр тўнтариши**

1917 йил бошларида Россиядаги сиёсий вазият, Петрограддаги инқилобий воқеаларнинг ниҳоясига етиши. Монархиянинг ағдарилиши, Россияда тузилган кўшҳокимиятчилик. Россиядаги февраль инқилобининг Туркистон ўлкаси аҳолисининг сиёсий жиҳатдан фаоллашишига таъсири. Ўлкада кўшҳокимиятнинг таркиб топа бошлаши. Советларнинг тузилиши, Туркистон комитети ва унинг фаолияти. Тошкент совети, Миллий демократия, жаҳидлар ҳаракати, маҳаллий жамоат ташкилотларининг тузилиши ва фаоллашуви. Халқ вакилларининг биринчи мажлиси. “Шўрои ислом” ташкилотининг тузилиши ва унинг фаолияти. Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг I Туркистон ўлка съезди (1917 йил 7-15 апрель). Мусулмонларнинг Тошкентда ўтказилган Бутунтуркистон съезди (1917 йил 16-23 апрель) ва унда қўрилган масалалар. Бутунтуркистон мусулмонларининг II Ўлка съезди (1917 йил сентябрь). “Иттифоқи муслимин”нинг тузилиши. Ўлкада октябр тўнтаришининг амалга оширилиши, шаҳар ва туманларда совет ҳукуматининг ўрнатилиши.

